
Мирзаободда аҳоли эътирозларига сабаб бўлаётган трансформатор таъмирланди

Бағдод туманида аҳоли хонадонлари ва ишлаб чиқариш корхоналарида электр таъминотини яхшилаш, тизимдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Туман электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан режа-дастурга асосан ҳудудларда электр тармоқларини жорий таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, “Мирзаобод” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 247-трансформатор пункти мукамал таъмирланди. Трансформатор пунктини бўяш, монтаж қилиш, носоз электр қурилмаларини янгилаш, ҳимоявий ҳудудни ободонлаштириш, шунингдек, ҳаво узатиш тармоқларини дарахт шохларидан тозалаш ишлари бажарилди. Эътиборлиси, ушбу трансформатор пунктидаги носозлик истеъмолчилар эътирозига сабаб бўлаётган эди.

Маълумот учун, ушбу мавсумда 143 та трансформатор пункти ва 335,6 км. узунликдаги тармоқни жорий таъмирлаш, 66 та трансформатор пункти ва 171,1 км. узунликдаги тармоқни мукамал таъмирлаш режалаштирилган. Шунингдек, 772 ва км. узунликдаги тармоқларини дарахт шохларидан тозалаш ишлари олиб борилади.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-06-05 17:30:20